

**Фарғона вилояти ва шаҳар, туманлар ҳокимликларида 2026 йил 1 чорак якуни бўйича жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш натижалари тўғрисида**

**МАЪЛУМОТ**

Ҳисобот даврида мурожаатлар билан ишлашда Президентимизнинг жорий йил 16 февраль кунги ПФ-21-сонли Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг 2026 йил 30 январь кунги 40-сонли Қарорлари асосида халқ билан мулоқотни янада кенгайтириш орқали аҳоли муаммоларини аниқлаш ва ҳал этиш мурожаатларни қаноатлантирилишини 80 фоизга олиб чиқиш, такрорий мурожаатларни 2 бараварга камайтириш юзасидан қатор ишлар амалга оширилди.

**Биринчидан**, вилоят ҳокими ҳузурида ўтказилаётган ҳокимлик соатларида мурожаатлар айниқса юқори идораларга тушаётган ариза ва шикоятлар билан ишлашда вилоятнинг барча даражадаги раҳбарларининг айниқса, “Маҳалла еттилиги” ходимларининг шахсий масъулияти оширилди.

**Иккинчидан**, мурожаатларни қаноатлантириш даражасини ошириш мақсадида шаҳар туман ҳокимликлари томонидан муқаддам ўрганилиб, тушунтириш йўли билан ёпилган 1000 дан ортиқ мурожаатлар қайта кўриб чиқилди, натижалари бўйича жорий йил 5 март куни вилоят ҳокимлиги ва Халқ Қабулхонаси ҳамкорлигида “Маҳалла еттилиги” ходимларининг вилоятдаги раҳбарлари иштирокида танқидий-таҳлилий йиғилиш ўтказилиб, 2026 йилнинг 2 ойи давомида келиб тушган ва тушунтириш бериш йўли билан ёпилган **7311 та** мурожаатларни қайта ўрганиш вазифаси қўйилди.

**Натижада**, 2026 йилнинг 1 чораги давомида вилоят аҳолисидан Давлат раҳбари номига юборилган жами **4087 мингдан** зиёд мурожаатлар кўриб чиқилиб, **53 фоизини** ижобий ҳал этилиши таъминланди.

**Учинчидан**, ариза ва шикоятларни бевосита ҳудудларда қабул қилиш ва ҳал қилиш мақсадида ўтказиладиган **сайёр қабуллар** ҳақида олдиндан ижтимоий тармоқларда қабул куни ва вақти, жойи ҳақида эълонлар бериш ҳамда ўтган қабуллар натижаларини ва барча мурожаатларни **Президент портали** (<https://cabinetpm2.gov.uz/>) тизимида рўйхатга олиш ва ижросини назорат қилиб бориш қатъий йўлга қўйилиши натижасида вилоят ҳудудларидан келиб тушаётган барча даражадаги мурожаатлар ҳаракатини назорат қилиб боришга эришилди.

**Тўртинчидан**, шаҳар, туман ҳокимликлари ва бошқармаларда фаолият юритаётган мурожаатлар билан ишлашга масъул ходимларнинг касбий

тайёргарлигини ошириш мақсадида 4 марта ўқув – амалий семинарлар ва Бувайда тумани ҳокимлиги базасида бир кунлик кўрғазмали ўқув- семинар ташкил этилди.

**Бешинчидан**, 17 нафар Президент порталига ва Вазирлар Маҳкамасига узлуксиз мурожаат этиб келаётган фуқароларга вилоят, шаҳар, туманлардан масъуллар бириктирилиб, улар билан суҳбатлар ўтказилди.

Таъкидлаш жоизки, деярли барча такрорийчи мурожаатчилар билан кўплаб учрашувлар давомида тушунтириш ишлари илиб борилган бўлсада, моддий таъминотга доир муаммоларини меҳнат қилиш йўли билан эмас, турли юқори идораларга такрорий мурожаатлар қолдириш орқали ҳал этишдан тўхтамаяптилар.

Бунинг оқибатида, 2026 йил 1 якуни билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонаси орқали Фарғона вилояти ҳокимлигига **3 мингдан зиёд мурожаатлар тушиб, 2025 йилнинг мос даврига нисбатан 426 ошди.**

Жисмоний ва юридик шахслар вакилларида вилоят ҳокимлигига тўғридан-тўғри **898 та** мурожаатлар келиб тушиб, *(шундан 434 та ёзма, 168 та электрон ҳамда ишонч телефони, масъулларнинг қабулларида 296 та мурожаатлар келиб тушди )* ўтган йилнинг шу даврига нисбатан **306 тага камайди.**

**Мазкур мурожаатларда аҳоли томонидан энг кўпроқ қуйидаги масалалар кўтарилмоқда:**

**183 та** нафақа тайинлаш, моддий ёрдам ажратиш ва пенсияга оид масалалар, **54 та** алимент, қарз ундириш ва ижро иши юритишга оид бошқа масалалар, **98 та** газ таъминоти билан боғлиқ масалалар, **25 та** хизматчилар фаолияти ва хатти-ҳаракатлари билан боғлиқ масалалар, **261 та** уй-жой таъминотига оид масалалар, **284 та** кредитлар, банк пластик карталари, банкоматлар ва тўлов тизимлари билан боғлиқ масалалар;

Вилоятда мурожаатлар билан ишлаш ҳолати Халқ депутатлари Кенгашининг сессиясида кўриб чиқилиши, мурожаатлар билан ишлашга етарли эътибор қаратмаслик натижасида ижобийлик даражасининг пасайиб кетишига йўл қўйган Марғилон, Фурқат, Сўх, Бувайда туман ҳокимларининг ҳисоботларини сессия муҳокамасига қўйилиши натижасида 2026 йил чорак якуни билан силжишлар бўлди.

2026 йил 1 чорак якунлар билан Президент портали ва Халқ қабулхоналари орқали шаҳар, туманлар ҳокимликларига келиб тушган ва ўрганилган жами **3889 та** мурожаатдан **92** фоизини қаноатлантирилиши **1621** тасининг ёки **52** фоизининг ижобий ҳал этилиши таъминланди.

Лекин, айти пайтда Қува (**39** фоизи), Марғилон (**40** фоиз), Тошлок, Ёзёвон (**41** фоизи), Фарғона, Ўзбекистон, Данғара, (**43** фоиз), туманлари

хокимликлари томонидан мурожаатларни ижобий ҳал этишга эътибор қаратилмаяпти.

**Шунингдек**, Президент портали ва Халқ қабулхоналари орқали вилоят бошқармаларига ижро учун юборилган **19 мингдан зиёд** мурожаатлардан **40** фоизинигина ижобий ҳал этилганлиги оқибатида вилоятимиз мурожаатларни ижобий ҳал этилиши борасида республика вилоятлари ўртасида **9 ўринда қолиб кетишига сабаб бўлмоқда.**

**Жумладан, Қурилиш ва уй-жой (33 фоиз), Мудофаа ва Солиқ (33 фоиз), Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш ( 29 фоизи, Ёшлар агентлиги ( 21 фоиз), ИХМА ( 21 фоизи), Давлат активлари ( 16 фоизи), Адлия ( 10 фоизи), Сирдарё-Сўх ирригация (6 фоизи) бошқармалар ва уларнинг қўйи тизимларида мурожаатларни ижобий ҳал этишга етарли эътибор қаратмаяптилар.**

**Натижада, 1 чорак давомида,** мурожаатларни тўлиқ ва сифатли кўриб чиқилмаганлиги натижасида, жавоблардан норози фуқаролардан вилоят ҳокимлигига **342 та такрорий мурожаатлар** келиб тушди. Такрорий мурожаатлар аксарият Моддий ёрдам, уй-жой билан таъминлаш, йўллар таъмири ва кредит ажратиш масалаларида келиб тушмоқда.

Энг кўп такрорий мурожаатлар **Фарғона ва Учкўприк туманлари (6 тадан), Қува тумани (8 та), Бағдод, Тошлоқ, Бешариқ, Олтиариқ туманлари (4 тадан), Марғилон, Кўқон шаҳарлари (9 тадан)** ҳокимликларига тўғри келган.

**Данғара тумани (28 та), Марғилон шаҳри (2та), Қўштепа тумани (5 та), Бешариқ туманларида (9 та) эса мурожаатларни ўрганиш асосиз равишда кечиктириб бажарилгани** натижасида вилоятда **306 та** мурожаат муддатидан кечикиб бажарилишига йўл қўйилди.

Бу ҳолатлар ва жойлардаги тизимли муаммолар чуқур ўрганилмаганлиги, уларни ўз вақтида ҳал этиш чоралари кўрилмаганлиги натижасида мурожаатлар сонини кўпайишига олиб келди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, шаҳар, туман ҳокимликларига сайёр ва шахсий қабулларда келиб тушган мурожаатларни ўз вақтида ва чуқур ўрганиш, аҳоли муаммоларини ечиш чораларини кўриб, ёзма равишда жавобларни етказиб беришни тизимли йўлга қўйиш орқали мурожаатларни камайтириш чораларини кўриш мақсадга мувофиқ бўлади.

*(Ахборот тариқасида киритилмоқда.)*

Вилоят ҳокимлиги Мурожаатлар билан ишлаш бўлими бошлиғи:



М.Ахунжанова